

**МУҲАММАД ЗОҲИД ҚЎТҚУ**

# **ИЧКИЛИК - ИЙМОН ЗАВОЛИ**

Тошкенг  
«Янги аср авлоди»  
2003

*Ичкилик - жамиятнинг ижтимоий-сиёсий, иктисодий ҳаётига зид, шахснинг маънавий ва моддий турмуш тарзига хилоф, диний эътиқодимизга тўғри келмайдиган жирканч ҳодисадир. Рисолада ичкиликнинг инсоният табиатига ётлиги, унинг шаръий ҳаром қилинганлиги далиллар асосида кўрсатиб берилди.*

*Таржимон:*

**Сайфиддин САЙФУЛЛОҲ**

*Филология фанлари номзоди, Халқаро Аҳмад Яссавий мукофотининг соҳиби*

*Масъул муҳаррир:*

**Ҳожи Анвар ТУРСУН**

*Тошкент шаҳар бош имом-хатиби*

*Муҳаррир:*

**Алиакбар САЙФИДДИН**

*Ўзбекистон Мусулмонлар диний идораси таълим бўлими мудирининг муовини*

© Муҳаммад Зоҳид Қўтқу «Ичкилик - иймон заволи» (тарж.) «Янги аср авлоди». 2003

## **СЎЗБОШИ**

*Ҳар бир давр ва жамият азалдан ичкиликбозликка қарши курашиб келган. Чунки, бу иллат халқ учун моддий ва маънавий зарар манбаи бўлган. Тиббиёт ҳам ичкиликни қаттиқ қоралаган ҳолда организмга, наслга, зурриётга бўлган салбий таъсир ва оқибатини исботлаб берган. Шу боис ичкиликбозликни бартараф этиш шахс ва жамият осойишталигини, баркамоллигини таъминлайди.*

*Ичкиликбозлик, - дейилади бир китобда, - соғлиққа путур етказувчи, оилани бузувчи, келажак авлод саломатлигига зиён келтирувчи офатдир. Зеро, ичкиликбозликка қарши кураш ҳаммамизнинг бурчимиздир<sup>1</sup>.*

*Дарҳақиқат, бу нохуш одат туфайли қанчадан-қанча фисқу фужурлар, гуноҳлар, зинокорлик. ўғрилиқ, ҳатто, қотилликлар содир бўлади. Ичкилик сабаб, баъзи тўй-ҳашамнинг мотамхонага айланганлигига ўзимиз гувоҳ бўлганмиз. Ислом шариатида ичкилик таъқиқланган, ароққа сарфланган пул исроф ва ҳаромга харжланган саналиб, жавобгарлиги сўралади. Қуръони каримнинг куйидаги ояти охирги ҳукм сифатида ичкиликни қатъий тарзда ҳаром қилди:*

*Яъни: «**Эй мўминлар, ароқ (маст қиладиган ичкилик ичиш), қимор (ўйнаш),***

<sup>1</sup> Қаранг: Донолар ичкиликбозлик ҳақида. Тошкент, «Медицина», 1990, 3-бет.

**бутлар (яъни уларга сиғиниш) ва чўплар (яъни, чўплар билан фолбинлик қилиш) шайтон амалидан бўлган ҳаром ишдир. Бас, нажот топишингиз учун уларнинг ҳар бирдан узоқ бўлингиз! Ичкилик, қимор сабабли шайтон ўрталарингизга буғзу адоват солишини ҳамда сизларни Аллоҳни зикр қилишдан ва намоз ўқишдан тўсишни истайди, холос! Энди тўхтарсизлар!»** («Моида» сураси, 90, 91-оятлар).

Бундан ташқари ҳадиси шарифларда, нуфузли исломий манбаларда, ичкиликнинг ҳаромлиги ва зарарлари атрофлича ёритилган.

Ичкиликка фақат мусулмон олами эмас, балки бошқа диндаги халқлар, миллатлар, жамиятлар ҳам қарши бўлиб келганлар. Бу халқларнинг ичкиликка қарши мақол ва маталларини ўқисангиз ишонч ҳосил қиласиз<sup>2</sup>.

Лекин биз мусулмонлар учун ароқхўрлик, шаробхўрликнинг ҳаром қилингани ҳақидаги оят ва ҳадис ҳукмлари кифоя ва асосий ҳужжатдир. Амри илоҳийни тафтиш қилиш, ноўрин «Нега? Нима учун?...» каби саволлар беришга ҳаққимиз йўқ! Амрни бажаришга масъулмиз, агар бажармасак, коинотнинг Холиқи олдида жавоб берамиз, вассалом.

*Муҳтарам китобхон!*

Ушбу рисолада Имом Аъзам мазҳабидаги аллома, шайх Муҳаммад Зоҳид Қўтқу (1897 - 1980) ҳазратлари бир қатор оят ва ҳадислар, нақлу ривоятлар асосида ичкиликнинг ҳаромлигини, дунё ва охираат учун зарари борлигини, ичувчи шахс учун аламли азобнинг муҳаққақ эканлигини куюниб таъкидлаганлар.

Рисолани мулоҳаза қилиб ўқисангиз, амри илоҳийнинг ҳикмат манбаини, бани башар учун фойда келтирувчи ўғитларини идрок қиласиз. Бевосита муаллифга дарддош, ҳамфикр ўқувчига айланасиз ва унинг ҳақиқа ҳам дуои хайр қиласиз...

Аллоҳу таоло барчамизни ичкилик балосидан асрасин. Солиҳ, тақводор ва саодатли бандалар тоифасидан айласин!

*Таржимон*

## ИЧКИЛИК ҲАҚИДА

Яратган Парвардигоримизга ҳамду санолар айтиб, севимли пайғамбаримизга салоту саломлар йўллаймиз.

Маълумки, ичкилик хусусида кўплаб асарлар ёзилган. Лекин афсуслар бўлсинки, уларнинг аксарини амалда нафи кам бўлаяпти. Зеро ичкилик талаблар шаҳват, шайтон ва нафс қўлида ўйинчоқ кабидир, ундайлар жамиятни хароб қиладилар, чунки уларда исломий ахлоқ ва муайян бир устунлик кўриш жуда қийин. Улар ўз манфаатлари чангалига асир тушганлар.

Бугун биров озгина ичиб завқ олаётган бўлса, кейинроқ бунга ўрганиб қолади, яна кўпроқ ичишга мажбур бўлади ва ниҳоят ақлу ҳушидан, ору номусидан ажралган жиннисифат ароқхўрга айланади. Алалоқибат иш ўлим билан тугайди, ислом динининг ҳукмларига кўра, жаҳаннамга кетади. Қиёмат кунида ҳамма жаннатга кетаёганида, афсуски мушриклар билан бирга жаҳаннам чуқурларидан жой олади.

Бухорий, Муслим, Абу Довуд ва Термизийларнинг Абу Ҳурайра(р.а) дан нақл этган ҳадисда:

Яъни, Расулulloҳ(с.а.в): «Зинокор мўмин ҳолида зино қилмас, ўғри мўмин ҳолида ўғирлик қилмас, хамр (ароқ) ичувчи мўмин ҳолида хамр ичмас», деганлар. Зеро, иймон бундай гуноҳларнинг ҳеч бирини қилишга йўл қўймайди. Чунки, иймон соҳиби Аллоҳ таолонинг бандани ҳар ерда ва доимо кўриб, қилаётганларини билиб туришини яхши билади. Ундай ёмон ишларни қиларкан, ҳам кўрқади, ҳам уялади. Чунки ҳаётини ва ҳаёти учун зарур бўлган

<sup>2</sup> Мазкур манбада ичкиликбозликни аёвсиз танқид қилган миллатларнинг мақол ва маталлари ҳамда бир қатор Шарқу Фарб мутафаккир ва адибларининг ичкиликни қоралаган фикрлари келтирилган.

саноқсиз неъматларни берган Аллоҳ таолонинг лутфларига ҳурматсизлик кўрсатиб, энг буюк неъмат бўлган ақлни йўқотиши ва жиннисифат бўлиб, кулгили бир ҳолга тушиши ва ҳатто мастликнинг жанжал ва ўлимларга сабаб бўлиши аниқдир.

## ИЧКИЛИКНИНГ ҲАРОМ ҚИЛИНИШИ

Юқоридаги икки ҳадиси шариф бизга ҳар қандай номда бўлиши-ю, қандай тайёрланишидан қатъи назар, маст қилувчи ҳар нарса шароб каби ҳаромлигини англатмоқда. Шароб ҳаром қилинишининг сабабларидан бири - инсоннинг шуурига соҳиб бўлмаслиги, айтаётганларини англамаслиги ва ҳатто аҳмоқона гапиришидир. Ҳар қандай сархушликнинг якуни - шу. Шу билан бирга ичкилик ҳар қандай ёмонликнинг боши ва очқичидир.

Бизнинг табибимиз: «Ичкилик ҳар қанча оздан бошласин, инсонни мутлақо бир кун ароқхўр ҳолига келтиради», дейди. Ортиқ ҳеч ўнганмас ҳолга келади. Ҳамма нарса ҳам ана шу оздан бошланади. Баъзи одамлар афсуски, «озгинаси зарар бермайди, қувватлантиради, иштаҳани очади» деб, бу дардга мубтало бўлганлар. Жасад шундай қилиб, бу «озгина» ичкиликка ўрганади. Кўпайтира-кўпайтира, ниҳоят қип-қизил ичувчи ҳолига келади, разил бўлади. Бундан бола-чақа ва кўни-қўшнининг зарар кўриши табиий. Шунинг учун шубҳасиз, ҳар қанча ёмонлик бўлса, унинг илдизи ичкиликдир. Ичкиликка ружуъ қўйдингми, орқасидан фалокат кут. Охири ё қамоқ ё қабр...

Бу хусусда Қуръони карим оятларининг таржимасини такрор ва такрор ўқи. Чунки такрорда кўп фойда бор. Юқорида айтилганидек, аввало фойда ёки зарар ҳам эмас, балки Аллоҳ таоло манъ қилган амрларига итоат ва ҳурматдир. Боринги, ичкилик бошдан охир фойда ва шифо бўлсин, бутун дардларга дармон бўлсин ҳам дейлик, аммо ҳеч бири қулоғимизга кирмайди. Зеро, Холиқи коинот - Аллоҳ таолодан ҳам яхшироқ биламизми? Модомики манъ этдимиз, муҳокамага ўрин йўқ... Мусулмон бошқа нарса қидирмайди. «Нима сабабдан ҳаром экан?» демайди. Ақли билан ижобат - қабул этади.

Пайғамбаримиз(с.а.в) таъкидлаганларидек: «Ақлли инсон шундай кишидирки, Раббига итоат қилади». Яъни, ақлли одам Аллоҳга итоатда, жоҳил эса исёнда бўлгани учун шундай дейилган. Бу бир исломий нуқтаи назардир. Энг тўғриси ҳам шудир. Бугун дунё ҳаётида кўрилаётган ривожланишнинг биз кўзда тутган ақл билан ҳеч алоқаси йўқ. Бунга дунё ақли дерлар. Диндорда ҳам, динсизда ҳам бўлади. Биз мурод этган ақл дунё ортига, сўнгига боқиб, борлиқларнинг соҳиби Аллоҳ таолони танишни, Унга бандалик қилишни ва амрига бўйсўнишни ўргатади. Исён водийларида кезганлар аҳли иймон назарида жоҳилдирлар. Расулulloҳ Абу Дардо(р.а)га хитобан: «Ақлингни зиёда қилки, Раббингга яқинлигинг ҳам зиёда бўлсин», - дейилганда:

- Ақлимни қандай зиёда қила оламан? - деган.

- Ҳазаби илоҳийга сабаб бўладиган гуноҳлардан сақлан. Ва илоҳий фарзларни адо эт. Шунда ақлли бўласан (яъни, ақлинг хар он ортар). Сўнгра нофила (қўшимча) ибодатларни кўпайтирки, дунёвий ақлинг ортсин. Шу йўл билан Раббингга қурбият ва иззатинг зиёда бўлсин. Шунинг учун Имом Ҳазолий бундай деганлар:

Яъни, Аллоҳ наздида тўнғизларнинг (ёмонларнинг) энг каттаси, Унга итоат этмаганидир. Ақл аслида, инсонни Аллоҳ азза ва жаллага итоатга олиб боради. Ҳақ субҳанаҳу таолога муҳолифат бўлган ишлар ақлнинг нурини сўндиради, уни фасод қилади. Зеро, исён-душман, ақл эса нурдир. Шунинг учун ақли жойида бўлган кимса Аллоҳ азза ва жаллага исён этмайди. Аллоҳ азза ва жалланинг азаматини, ҳамма нарсани кўриб, билишини билади ва берган неъматларини кўз олдига келтиради. «Сен учун бу айб, ҳеч ярашмайди. Аллоҳдан кўрқ, уял», - дея манъ этади. Шунинг учун зино, ичкилик ва ўғирлик каби ифлос нарсалар иймон билан асло келишолмайди, мувофақат қилолмайди. Яъни, аҳли иймон буларни асло қилмайди. Ҳадиси шарифда мўмин одам бу гуноҳлардан ҳеч бирини қила олмаслиги билдирилган.

## ИЧКИЛИКДАН УЗОҚ ТУРМОҚ

Ҳазрат пайғамбаримиз айганлар: «Ҳузуримга Жаброил келиб бундай деди: «Эй Муҳаммад, Аллоҳ таоло шаробни, уни сиққанни ва сиқтиртанни, ичганни, ташиганни ва унга ёрдам берганни, сотганни, сотиб олганни, ичувчига берганни, ичкилик сотиладиган ва тарқатиладиган ерларни (майхона ва шу кабиларни) лаънат этди», каби ҳадислар ичкиликнинг ҳаромлигини очиқ изҳор қилади. Ҳалол нарсага ҳеч қачон лаънат айтилмаган. Лаънат доимо куфр ва ҳаромга тааллуқдир. Ҳатто шунчаликки, ичкиликнинг тайёрланишига қандай бўлмасин ёрдам берган, ташиган ҳаммоллар ва шишаларини ҳаммолнинг орқасига ортиб юборганлар ҳам айна лаънатга лойиқдирлар. Энди, уни олиб сотганлар ўзлари ичмасалар ҳам, худди шундай гуноҳ ва худди шундай лаънатта лойиқдирлар. «Моида» сурасининг 91-ояти шаробнинг ҳаромлигини билдирган ояти каримадир.

Баъзи бировлар ичкиликка тарафкашлик қилиб қандайдир нарсаларни ёзгандирлар, эҳтимол бугун кўряпмизки, бир қисм кишилар сигаретга ўргангандай ичкиликка мутбалодирлар. Улар ароқхўрлардир. Уларга энди қанча гапирсангиз ҳам фойда бермайди. Чунки жасад бу каби гуноҳ ва ифлос одатлар билан улфат бўлган, жасадга бу нарса ёғдек ёқади, усиз яшай олмайди. Фақат бирор балога мубтало бўлиб, жонига тамоман тегади ва шундай қилиб ташлаши мумкин, лекин жасад ва бош мувозанатини таъмин қилиб бўлмайди. Ичмаса ҳам мастдек бўлади.

Жаноби Ҳақ фаришталарини шаҳватсиз яратган, шунинг учун улар ҳеч қабоҳат ва гуноҳ қилмайдилар. Ҳайвонлар эса фақат шаҳватли қилиб яратилгандир. Инсонга келсак, инсонда ҳам ақл, ҳам шаҳват бор. Инсон шаҳватга ғолиб келса қандай бахт, агар шаҳват ақлга ғолиб келса, афсус демокдан бошқа чорамиз йўқ. Бирор киши «мусулмонман» десаю, мусулмончилик ҳаром қилган, манъ қилган гуноҳларни доимий суратда қилса, минг афсус. Бутун дунё бирлашиб ичкиликни мадҳ этса, фалончи, фалончилар ҳам ичарди, шундай шон-шавкатлари бор эди, кўп яшадилар десалар, барча табиблар, кимёгарлар ва олимлар ичкиликни мадҳ қилсалар, мусулмон буларнинг ҳеч бирига заррача қулоқ тутмайди. Модомики, «Аллоҳ таоло китобида мумкин эмас, ҳаром!», дедими, «мен ортиқ бошқа сўз эшитмайман», дер. Лекин афсуски, иймон заифлигидан иродасини йўқотганларга ортиқча сўзимиз йўқдир. Бундайларнинг шаҳвати ақлига ғолиб келган, ақли мағлуб, орзу ҳавасининг асири, энди ундан яхшилиқ кугаб бўладими?

Аллоҳ таоло бутун башариятни ва алалхусус, мусулмон миллатини ичкилик офати ва бошқа гуноҳлардан сақласин.

Газеталарда Финляндияда ичкилик ва сигаретнинг таъқиқлангани ҳақида хабар берилди. Қандай гўзал ибрат!

Юқоридаги ҳадиси шарифда ичкиликнинг нақадар ёмон ва зарарли эканлиги билдирилган. Бунда энг муҳим масала - бунга таъқиқлаган зот - Аллоҳ таоло ҳазратлари эканлигидадир. Қўрқиш лозим. Аслида жаҳаннамни яратган Аллоҳ таолодан қўрқиш керак. Жаннат - мукофот уйи. Жаҳаннам эса жазо уйидир. Аммо иккаласи ҳам махлуқ (яратилган)дир. Оловнинг ёндириши Аллоҳ таолонинг изни билан бўлади. Агар олов муҳаққақ ёндира олса эди, Иброҳим алайҳиссаломни куйдириши керак эди. Ҳолбуки, ундай бўлмади. Ҳақнинг амри билан бир онда «бадр ва салом» (совуқ ва зарарсиз) бўлди. Шундай экан, инсон махлуқдан эмас, аввало Холиқдан қўрқиши керак. Қамоқхоналар ҳам бир жазо уйидир. Инсон доимо у ерга тушмасликнинг тадбирини кўради, башарият яратган қонунларни доимо ҳурмат қилишни вазифа деб билади ва қонунларга муҳолиф ҳаракатлардан сақланади.

Борлиқнинг ва коинотнинг соҳиби, бутун мавжудотларни яратган ва коинотни ғоятда уйғун бир низомга бўйсўндирган, инсонга кўриш, эшитиш, гапириш ва ҳидлаш ҳисларини, идрок, ақл, фикр каби беҳисоб неъматларни берган Ҳақ субҳанаҳу ва таоло яна бандасининг фойдаси ва

сиҳати, ботинидаги нурнинг муҳофазаси учун ичкиликни ҳаром қилган.

Биз аввало шуни яхши билишимиз керакки, ичкиликнинг моддий зарарлари у қадар муҳим эмас. Асл фалокат, аслида яхшини ёмондан, оқни қорадан, ҳақни ботилдан фарқлайдиган нурни, маънавий ақлни йўқотишдир. Ичувчи чин билан ёлғонни фарқлай олмайдиган даражага келса, яхши билан ёмонни, оқ билан қорани ажратолмаса, уни қандай қилиб инсон деб бўлади? Асл жожеий фалокат - инсонлик мартабасидан ҳайвонлик мартабасига тушишда, нурсизликдadir. Зеро, мана шу нур туфайли инсон Аллоҳни танийди ва Унга итоат қилади. У нур сўнса, ёки қорайса, кўз ҳайвон кўзидек бўлиб қолади, яъни инсон кўрар кўзидан эмас, қалб кўзидан маҳрум бўлиб қолади...

## ИЧКИЛИКНИНГ ЗАРАРЛАРИ

1. Ичкилик ичгандан иймон нури олинади;
  2. Аллоҳ таолонинг лаънатиға мубтало бўлади;
  3. Ичкилик ғам ва мусибатларни жалб қилади, ризқни камайтиради. Ичувчининг қиёфаси, сиймоси ўзгаради, гўё бир ҳайвон ҳолиға келади;
  4. Фақат осийларғиға шароб ичадилар. Улар Аллоҳ ва расулиға, охират кунига ишонмайдилар;
  5. Ичкилик инсонни қотиллик, зино ва шу каби ҳар турли гуноҳларға етаклайди;
  6. Қиёмат кунига жаҳаннам халқига, ичкилик ичган одобсиз аёлларнинг фаржларидан оққан ифлос йиринглар ичирилади;
  7. Аллоҳ таоло ичувчиларға жаннатни ҳаром қилган;
  8. Ароқхўр юраги иссиқликдан ёнган ҳолда қайта тирилади;
  9. Ароқхўрнинг азоби бутға сиғинганларникидек бўлади;
  10. Аллоҳ таоло ичкилик ичганнинг қирқ кунлик ибодатини қабул қилмайди;
  11. Ичувчи ҳақирдир. Унга дарра урилади, салом берилмайди;
  12. Аллоҳ таолонинг ғазабиға дучор бўладилар. Шу ҳолда ўлсалар Аллоҳ таолонинг савоби ва раҳматидан маҳрум қоладилар;
  13. Маст ҳолда ўлса, қабр азобини кўради ва қабрида қон ва йиринг билан азобланади. Бутун яхшиликлардан маҳрум, дунёси қўлидан олинган кишидек бўлиб қолади;
  14. Маст одам ўз ҳалокатини ўз кўли билан тайёрлайди.
- Ҳар қандай ичкилик ҳаромдир. Ҳеч бир ичкилик ёки уни қўшиб тайёрланган дори билан даволаниш жоиз эмас, ҳаромдир. Шунга алоҳида эътибор бериш керакки, ичкиликдан бошқа нажосатлар билан даволаниш мумкин ва ҳатто жоиз ҳамдир, аммо ичкилик билан даволинишга йўл йўқ.

## КИМКИ ИЧКИЛИК ИЧСА, АЛЛОҲ УНИНГ ИЙМОНИНИ ОЛАДИ

Абу Ҳурайра(р.а) Пайғамбаримиз(с.а.в)дан бундай ривоят қилган: «Ҳар ким зино қилса ёки шароб ичса, одамнинг бошидан кўйлагини ечгандек, Аллоҳ ҳам ундан иймонини чиқаради».

Бу ерда иймоннинг чиқарилишиға бир неча маъно берилган. Баъзилар: «Иймоннинг нури кетади», дейдилар. Маълумки, нур деб ёруғликка, ойдинликка, қуёшга, ойга, электрга айтилади. Электр лампаларға ток узатиш тўхтатилганда, қандай қоронғилик вужудға келса, иймон ҳам нури кетгач, худди шундай бўлиб, ортиқ ҳақ билан ботилни ажратиб бўлмайди. Қоронғиликда қора билан оқни фарқлаш мумкин бўлмаганидек, иймон ҳам шу ҳолға келади. Шунчаки номиға бир иймон қоладикки, қай тарафға тортсанг, кетаверади. Бошқа бир маъноға кўра иймон инсондан чиқарилиб, боши устида бир соядек туради. Бу ҳоллар ўтгандан кейин қайтадан жойиға тушади, бошқа ривоятларға кўра, тавба қилса, тавбаси қабул бўлади.

Табаронийнинг ривоятида «Аллоҳға ва охират кунига иймон келтирган одам шароб ичмасин

ва шароб ичиладиган дастурхонга ўтирмасин» дейилади. Ҳар қандай кайф берадиган ичимлик - шароб ҳукмидадир. Шундай экан, ҳар қандай ичкилик ичиладиган жойларда ўтирган ичмайдиган киши ҳам ичганлар каби гуноҳга дучор бўлади.

## **ИЧКИЛИК БАРЧА ЁМОНЛИКЛАРНИНГ АСОСИ**

Ҳаббоб бин Арат(р.а) Расулulloҳ(с.а.в)дан бундай нақл этади: «Ичкилик ичишдан сақланинг. Чунки ичкиликнинг ёмонлиги бошқа ёмонликларга манба бўлади. Худди токнинг бошқа дарахтлар устига чирмашиб чиқиб, эгаллаб олганидек».

Ҳа, бутун гуноҳларнинг ундан чиқишига далил шуки, аввало намоз ўқий олмайди, рўза тута олмайди, ҳар хил фисқу фужурга сабаб бўлади, бу эса гуноҳларнинг худди ток шохларининг кўпайиб кетганига ўхшайди.

Абдуллоҳ бин Умар Расули Акрам(с.а.в)дан нақл этадики: «Кайф берувчи ҳар қандай нарса шароб ҳисобланади ва унинг ҳар қандай тури ҳаромдир. Ҳар ким дунёда давомли ҳолда шароб ичиб ўлса, охират шаробларидан ича олмайди». Охират шароблари эса маст қилмайди, кайф бермайди, инсонга илоҳий ҳузур-ҳаловат бағишлайди.

Уч кимса жаннатга кирмайди: доимий шароб ичиб юрганлар, сеҳрга ишонганлар, силаи раҳм қилмаганлар. Яна уч кимса ҳам жаннатга кирмайди: бири даюс, иккинчиси ўзларини эркакка ўхшатган аёллар, учинчиси доим шароб ичиб юрадиганлар. Шу сабабдан шароб ичишдан сақланинг, чунки у ҳар қандай ёмонликларнинг манбаидир. Нақл этишадикки, ҳар қанча гуноҳ, ёмон ва ифлос нарсаларнинг ҳаммасини йиғиб, тўплаб, бир хонага қамаб, қулфлаб, қўйганлар. Уларни очувчи калит эса мастликдир. Шароб ичилдими, эшиклар очилиб, ҳар турли ёмонликлар осонликча содир бўлади, шунинг учун бундан иложи борица сақланинг.

## **МАСТ БЎЛИБ ЎЛГАН ЯНА МАСТ БЎЛИБ ТИРИЛАДИ**

Шароб ичган одамнинг қирқ кеча ва қирқ кундуз намози қабул бўлмаганидек, шоядки, тавба қилса, тавбаси қабул бўлар. Агар тўрт марта ароқ ичган бўлса, Аллоҳ таоло унга жаҳаннам халқининг йирингини ичиради. Шу қирқ кун ичида ўлса, кофир бўлиб ўлади ва дунёдан маст ҳолда кетади. Қабрида ҳам маст ҳолда қолади. Қиёмат кунида маст бўлиб тирилади ва маст ҳолда жаҳаннамга олиб кетилиши амр қилинади.

Мастлиги туфайли намозни бир марта тарк этган киши дунё ва ундаги ҳамма нарсани қўлдан бой берган одам кабидир. Шундай экан, қўйдаги беш ҳолда уммати Муҳаммад учун ҳалокат бор:

- 1. Бир-бирини лаънатлашда;*
- 2. Ичкилик ичишда;*
- 3. Ипакли кийим кийишда;*
- 4. Ёмон аёл саклашда;*
- 5. Бир жинсдаги кишиларнинг ўзаро шаҳвоний муносабатларида.*

Ичкиликнинг фалокатлиги ҳақида қанчадан-қанча асар ва қимматли сўзлар мавжуд. Буларни ё ўқимаймиз, ё ўқисак ҳам, нафсимизга қул бўлганимиздан қулоғимизга кирмайди. Бугун барча юртлар шифобахш шарбат билан тўлиб тошган ҳам арзон, ҳам саломатлик учун фойдали, ақлни ҳам кеткизмайди, аксинча, қувват беради. Лекин афсусларки, иродаси заиф одамлар, ақлдан маҳрум қиладиган, ҳам соғлиққа зарар берадиган, ҳам баъзан оқибати ўлим билан тугайдиган ҳодисаларга сабаб бўладиган ичкиликка мубтало бўлганлар. Ичкиликни чиқарганлар муҳаққақ динсиз ва ахлоқсиз одамлардир. Ислом келгач, ичкилик таъқиқланди. Бу таъқиқ Мадинаи Мунавварада эълон қилинганда, мусулмонларнинг ҳаммаси уйларидаги ичкиликни кўчаларга олиб чиқиб тўқдилар, шишаларини ҳам синдирганлар. Ҳатто Мадинаи Мунаввара кўчаларидан шароблар худди селдек оққан экан. Ана мусулмонлик! Пайғамбарнинг

сўзига амал қилмоқ ана шундай бўлади. Ҳеч тараддуд этмай, пайғамбар буйруғига дархол итоат этиб, сақлаган шаробларини ҳам тўкиб, ҳам шишасини синдирганлар.

Аллоҳ таоло жумламизни севмаган ва таъқиқлаган ҳар қандай нарчасидан муҳофаза этсин ва Ўзи севган, рози бўлган бандаларидан қилсин.

## **ДОИМИЙ РАВИШДА ГУНОҲ ҚИЛИШ ҚАЛБНИ ҚОРАЙТИРАДИ**

Эътиқодимиз бўйича, баъзи гуноҳларни қилган одам кофир бўлмаса ҳам кўрқиш керак бўлган жиҳати шуки, баъзи гуноҳларни доимо қилиб юрган инсоннинг қалби қоп-қора бўлади. Куфр билан иймонни танлай олмайдиган бир ҳолга келади. Бу ҳол ва вазият уни ўзи билмаган ҳолда куфр томон етаклайди. Унга «кофир» десанг жаҳли чиқади, жанжаллашади, «кофир эмасман», дейди.

«Шариат йўлида юришга даъват қилганнинг бошини ёраман», деб одобсизлик қилиб, сўнг яна масжидларда «мусулмонман» деб, қўлида тасбеҳ ушлаган бундай бечоралар ўзларини ва бошқаларни қанчалик алдаяптилар...

Шариатни истамаган одамнинг куфрида ҳеч ихтилоф йўқ. Аммо бугунги мусулмон буни идрок этишдан ожиз, чунки диний маълумотдан умуман маҳрумдир.

Дунёвий илм бор. Уни билмаганларни жоҳил дейдилар. Яна дин илми борки, буни билмаганларни ҳам ажҳол - жоҳиллар дейдилар. Диний илм орқали борлиқнинг сохиби бўлган Аллоҳни танимоқ, Унинг бизга берган Ислом динини ўрганмоқ ва амал қилмоқ ҳар бир мўминнинг бурчи. Дин илмидан маҳрум одамларнинг дунёда яшаш тарзи ҳеч қачон инсонликка мукамал равишда уйғун ва хайрли яшаш тарзи бўла олмайди. Фиръавнлар давридан то бугунги кунгача маданиятнинг энг юксак давридаги динсизларнинг ҳаётини олиб қарасак, бу турмуш тарзи чинакам инсоний, мўмин одамнинг ҳаётига сира ўхшамайди. Лоақал «янги йил кечаси» дейилган кечада қилинган гуноҳларни бир ўйлаб кўрайлик. Бу кечадаги зиёфатлар, исрофгарчилик, маст-аластлик, хушвақтчилик халқимизга қандай оғир юк бўлмоқда. Ҳолбуки, мусулмонман деган инсон билиши керакки, ҳазрати Пайғамбаримиз(с.а.в) «Ҳар қандай вазиятда, қору ҳолда яҳудий ва насронийларга муҳолифат этинг», деб амр қилганлар. Яҳудий ва насроний одат ва анъаналарига бу қадар садоқат бизларга ярашармикин? Ахир улар бизнинг одат ва анъаналаримизга сира ҳам эш бўлмайдилар-ку! Истанг-истаманг, ҳар бир нарса ўз аслига қайтади...

## **ИЧКИЛИК МЎМИН ФАРОСАТИНИ ЎТМАСЛАШТИРАДИ**

Ибрат фақат басират биландир. Яъни, маънавий кўзимиз ҳам очиқ бўлиши керак. Чунки бу нурни бизга Жаноби Ҳақ эҳсон этган. Зоҳирий нарсалар оддий кўз билан кўрилса, ботиний дунё басират билан кўрилади, ўқилади, билинади. У худди сизнинг радионгиз, телевизорингиз. Агар ишламаса, унинг нима кераги бор? Маънавиятдан бебаҳра кўнгил, кўз, ақл ва қулоқ худди ишламайдиган соат ёки машина, радио, телевизор каби - ташқи кўриниши гўзал, лекин энг зарур бўлган ич қисми эса бузуқ. Бу оқимнинг номи «Нур»дир. (Ўзбекчасига ёруғлик, ойдинлик деса бўлади). Бизнинг жон машинамизни ишлатадиган нур - руҳдир. У бўлмаса инсон ишга ярамайдиган, ахлатга ташланган бир машина бўлаги каби бўлиб қолади. Баъзи биродарларимиз бу таъбирдан хафа бўлиб, бизга эътироз билдиришлари мумкин:

- Ишлашимизни кўр. Оврўполикларни, динсиз қавм ва коммунистларни кўрмаяпсанми? Жон жаҳди билан ишляпти. Хўш, сизнингча булар жонсиз одамга ўхшайдими?....

Азиз биродарим, - дейман мен. - Вақти-вақти билан туш кўриб турсанг керак. Тушни ётоғингда ухлаётган жасадинг кўрадим ёки сенинг бир тимсолингми? На эти, на суюги бор. Бир онда ҳар тарафга кеза олади. Баъзан кўкларда учади, баъзан денгизларни ошади. Асл руҳ бир нурки, унинг таърифига тилимиз ожиздир. Шу нур туфайли инсон инсондир. У нурнинг

поклиги ва софлиги муҳофаза этилган тақдирдагина инсонда жуда буюк ва жуда кўп ажойиботлар кўринар. Пайғамбарлардан зохир бўлган мўъжизалар аслида шу нурнинг ғоят тозалигидандир. Бу нур вужудимизда икки тарафлама кўринади. Биринчиси, кўринадиган ҳаёт - кўриш, еб-ичиш ва эшитишни таъминлайди. Бу нур йўқолса, ҳаёт тугайди. Нурнинг асл қисми ички нурдир. Иккаласини бирлашишидан инсонда камоли инсоният зохир бўлади. Фақат биттаси билан бадан ишлайди. Ҳарқандай жонзотнинг ишлаганидек ишлайди. Муродимиз бу эмас. Биз бир мумтоз махлуқмиз, хайвонлар каби ғоя ва натижасини билмай ишлагани келмаганмиз. Биз Холиқимизга бандалик қилишимиз керак. Бу бандаликни бажо келтирмоқ учун бу оламга келганмиз. Асл вазифамиз бандалик. Бунини унутиб, хайвондек ишлаб, тупроққа кўмилиб йўқ бўлиш эмас. Акс холда бундай ҳаётга ачиниш, йиғлаш керак. Зеро, ундай ҳаётда энг муҳим нарса - инсонлик йўқдир. Инсондан бошқа махлуқларнинг яшашидек ҳаёт бор, холос. «Балхум азалл - балки улар хайвондан ҳам тубанроқдирлар» ояти жалиласида фосиқ, кофирларнинг паст, энг тубан даражага лойиқ эканликларига ишора қилинган.

Иккинчи нур ички оламнинг нуридир. Инсонни инсон қилган нарса ҳам шу. Бунини тарк этсак, кўзи бор, лекин кўрмайдиган, қулоғи бор, эшитмайдиган, боши бор, аммо ўйламайдиган ҳолга келамиз. Шунинг учун инсоннинг руҳини кирлатган ва нуруни қорайтирган ҳар нарса гуноҳ, ҳаромдир. Ичкилик ҳам пгундай нарсалардандир. Ичкилик инсоннинг муваққат бир лаҳзалар ақлини кеткизиши ва ғам-андуҳини унуттириши мумкин. Мана шу гуноҳ ва ҳаромлар руҳимизни кирлайди, нурумизни қорайтиради. Шунинг учун ҳам у тақиқлангандир. Шунингдек, ичкилик ичмаси ҳам дунёга майл ва муҳаббатлари сабабидан шу қадар маст бўлган кимсалар борки, таърифларига тил лол. Бундайларнинг бутун фаолияти, ақли, фикри, иши-кучи бу фоний дунёга эга бўлиш учун ишлаш ва бундан маст бўлиш. Бу ҳам ичкилик туфайли юзага келадиган мастликдан кам эмас. Бундайларда Ислом кўзда тутган, истаган инсонийлик топилмайди. Шунга биноан айтаемизки, инсонни маст қиладиган ҳар қандай нарса ҳаромдир...

## **МАСТЛИКДА ЎЛГАН ЖОҲИЛИЯТ ЎЛИМИ БИЛАН ЎЛАДИ**

«Шароб хабоис - бутун ёмонликларнинг онасидир. Кимки уни ичса, Аллоҳ азза ва жалла унинг қирқ кунгача намозини қабул қилмайди. Агар ҳатто бир қултум бўлса ҳам ичида ичкилик билан ўлса, жоҳилият ўлими билан ўлади».

Жоҳилият ўлими яъни (исломдан илгариги) - динсизлик давридаги бадбахт инсонлардек динсиз ўлгани учун ҳам юқоридаги ҳадиси шариф қайд этилган. Жоҳилият даврида динсиз ўлганларнинг орасида пок ва номусли одамлар ҳам бўлган бўлиши мумкин. Аммо инсоннинг онаси, холаси ва аммаси билан жинсий муносабатда бўлишидек бир ҳолатни бирор динда ва бирор миллатда тасаввур қилиш қийин. Жоҳилият даврида мастлик инсонларни шундай қабиҳ ҳолатларга олиб борарди. Шунга биноан мастлик мазаммат қилинган ва нақадар қабоҳат нарса эканлиги ташбеҳ асосида тунгунтирилган.

Бошқа бир ҳадисда:

«Зино қилган кимса иймондан чиқади; ўз хоҳиши билан шароб ичган одам ҳам иймондан чиқади. Ким инсонларнинг молини олиб, ўғирлик ва талончилик қилса, у ҳам иймондан чиқади». «Ман зано хаража минал иймон» дейилар экан, демак, иймони бўлган мўмин ва муваҳҳид бир кимсанинг бу гуноҳларни қилишга ҳаққи йўқ. Гуноҳ қилишга ташаббус этган одамдан эса, устимиздан куйлак ечиб олинганидек дарҳол иймон чиқади. Сўнг ичкилик ичган кимса мушрикка ўхшатиш мумкин. Томирларида ичкиликдан бир зарра бўлгани ҳолда ўлса, жоҳилият ўлими билан ўлади. Шунингдек, ичкиликнинг зарари фақат нафсида қолмайди. Балки оммага тегади. Ичкилик якка ҳолда ичилмайди. Ёнида чолғу ва чолғучилар бўлганидан бу гуноҳларни қилган фосиқ ва фожирлар - зилзилаларга, инсонларнинг сиймоси, ахлоқ ва ҳаракатларининг ўзгаришига, шунингдек, «қазф» дейилган тухматга сабаб бўлади.

Кўкдан тош ёғади, тупроқлар кўчади, мазордан чиқишлар рўй беради. Тайёралар ҳалокатга



учрайди. Лекин бугунги инсон буларга қандайдир баҳоналар топиб, бу ҳодисаларни ер кўчиши, маъданларнинг портлаши каби сабаблар билан боғлаб, асл сабабни четлаб ўтишга ҳаракат қиладилар. Ҳолбуки, буларнинг бош сабаби - исён. «Нега кофирларга ҳеч нарса бўлмапти-ю, фақат бизда бўладими?», дея кўрма. Вақти келиб уларга ҳам навбат келади. Сен динсизлар ҳақида бўлмағур гаплар айтиб гуноҳга ботма.

Бу борада Аллоҳ ва Расулнинг сўзларига диққат қилиш керак. Агар ичкилик яхши нарса бўлса, ичган одамга нима сабабдан дарра урилади, ниҳоят нима учун ўлдирилади? Йигирмадан ортиқ ровийлар ривоят қилган, жумладан Имом Муслим(р.а)нинг ҳадиси шарифларида айтиладики:

«Кимки шароб ичса, дарра уринг. Иккинчи марта ичса, яна уринг. Учинчи марта ичса ҳам уринг. Тўртинчи марта ичса ўлдирилинг». Охирги ҳукм мансук (бекор, қабул қилинмаган) бўлса ҳам Имоми Молик(р.а)га кўра «қатл лозимдир» дейилган. Бошқа гуноҳлар эмас, зинокор ва ичувчиларга қатл жазосининг лойиқ кўрилиши, уларнинг зарари катталигига далолат беради. Бошқа мусулмонларни асраш учун бир тадбир бу. Чунки ичкилик барча ёмонлик ва гуноҳларнинг бошидир. Унга ўрганган кимсадан ҳар қандай ёмонлик кутса бўлади.

Бир ибратли ҳикоя бор. Бир вақтлар бир зот шаҳар ташқарисидаги бир гўшада - насронийларнинг ибодат ва риёзат учун кирадиган ерларида яшар экан. Бир кун шайтон мусофир қиёфасига кириб, у зотниқига меҳмон бўлибди. Уй эгаси унга таом манзират қилибди, лекин уч кун давомида меҳмон ҳеч нарса еб-ичмабди. Уй эгаси:

- Сен қандай одамсанки, еб-ичмай яшайсан? - дебди. Шайтон алдаб:

- Бир гуноҳ қилиб, сўнгра тавба қилгандим. Аллоҳ таоло мендан емоқ эҳтиёжини кўтарди, - дейиши билан обид:

- Ҳай, менга ҳам ўргат, мен ҳам еб-ичиш кулфатидан қутулай, - дебди.

Шайтон ҳам унга жавобан:

- Ё ичкилик ичиш, ё зино қилиш ёки бир одам ўлдириш лозимдир, - дебди. Бечора обид кўп ўйлаб, одам ўлдириш бўлмайди. Зино, у ҳам бўлмайди. «Ичкилик... эй, бир оз ичаман, сўнгра тавба қиламан, энг осони шу», деб шароб ичибди. Бу орада шайтон қизи касал бўлган бир подшоҳнинг олдига бориб, «Фалон жойда бир обид бор, нафаси жуда яхши, иншоаллоҳ у ерда қизингиз соғаяди», - деб подшоҳни алдабди. Бир онда қизни аравага солиб, обиднинг уйига олиб келибдилар. Обид маст ҳолида қизни зўрлаб зино қилибди. Сўнгра қилганига пушаймон бўлиб, «Ишқилиб, подшоҳнинг хабари бўлмасин», деб ўйлаб ўгирганда, шайтон келиб: «Уни ўлдириб, кўмишдан бошқа чора йўқ, қидиришса, уйга юбордик деймиз», дебди. Шу сабаб бўлиб, бечора обид қотиллик ҳам қилибди. Лекин қизнинг ўлдирилгани билиниб, кўмилган жойидан жасади чиқарилгач, обиднинг қатлига фармон берилибди...

Кўрдингизми, бир ичкилик ҳам зинога, ҳам қатлга сабаб бўлди. Бир неча дақиқалик завқ бу жинойтларнинг содир бўлишига арзийдими? Аллоҳ азза ва жалла бутун башариятни, хусусан уммати Муҳаммадни бу каби ҳоллардан муҳофаза қилсин.

Ҳам сиҳатга фойдали, ҳам кимсага гуноҳи, зарари йўқ хилма-хил неъматлар: шарбатлар, айронлар, мева сувлари тўлиб-тошиб турган ҳолда эс-ҳуши жойида, туппа-тузик одамлар мастликка ружу қўядилар, сўнгида ўзидан кетадилар, нима қилаёганини билмай, ўлиқдай ухлаб, қусиб-қусиб атрофни барбод қиладилар. Ё Раббим, қандай аянч ҳол бу?! Ичкиликнинг хуш кўриладиган нимаси бор? Ақли салим ҳеч қачон буни қабул қилмайди. Мусулмонлик эса аввал бошдан буни рад этади. Жаброил алайҳиссалом воситасида Пайғамбаримизга бундай буюрилган: «Эй Муҳаммад, хоҳлаганингча яша, фақат яхши билки, сўнгида ўласан, ҳаёгингни, турмуш тарзингни шунга кўра тартибга сол, чунки натижада ўлим билан юзма-юз бўласан. Сўнги пушаймоннинг бефойда эканини ҳам биласан.

Иккинчиси: истаганингни, хоҳлаганингдек сев, лекин яхши билки, охир севганингдан айрилсан. Шундай экан бир зоти Ажаллу аълони севки, севганинг сайин Ундан айрилиш эмас, балки Унга яқинлашсан. Ҳа, қайта-қайта Аллоҳни сев, фойда фақат Ундандир.

Учинчиси: ҳар қандай ёмонликни қилишинг мумкин. Аммо яхши билки, қилганларингнинг жазосини кўрасан. Яъни ҳаётингнинг ҳар лаҳзасига масъулсан». Ўзимизни шунга кўра тарбияламоқ мажбуриятидамыз, вассалом.

Бошқа бир ҳадиси шарифда эса:

«Мендан кейин умматим шаробни исмини ўзгартириб ичади. Бунга умароси, ҳокимлари ёрдамчи бўлади». Бу ҳадисда баён этилган ҳикмат том маъноси билан амалга ошгандир. Комбинатларга юборилаётган узумларга қараб минг афсус дейишдан, ўзимизни тўхтатолмаймыз. Чунки бу гуноҳ бўлиши билан бирга Ҳаққа қарши очиқ исёндир. Бунинг албатга, жазоси оғир бўлади.

## **ИЧКИЛИК ИЧГАНЛАРНИ АЛЛОҲ ҲИМОЯ ҚИЛМАС**

«Мастлик берувчи ҳар қандай нарса шароб ҳукмидадир. Маст қилувчи нарсанинг кўпи ҳам, ози ҳам ҳаромдир». Демак, Пайғамбар(с.а.в) амрига кўра, унинг бир қултуми ҳам ҳаром. Бунга биноан сигарет ҳаром деган олимлар ҳам бор. Чунки кетма-кет чекилганда унинг кўпи одамни маст қилиши мумкин. Маст қилмаса ҳам унинг ёмон ҳиди етарли эмасми? Бугун фан сигаретнинг зарарини очиқ эълон этаётганда, буни чекаётган табибларга нима дейишни ҳам билмайман. Қуйидаги ҳадиси шарифда марҳамат қилинадики:

Абу Ҳурайра(р.а) ривоят қилган ҳадисда: «Аллоҳ шаробни ҳам, пулини ҳам ҳаром қилган. Ўлик ҳайвон гўштини ва пулини ҳам ҳаром қилган. Тўнғиз гўшти ва пулини ҳам ҳаром қилгандир». Яъни, инсон ичмаса ҳам ичкилик сотиб, ишлаган пули ҳаромдир. Энди инсоф билан илк мусулмонлар ҳолига қара-ю, бизнинг ҳолимизга қара. Ислонинг илк даврларида эскидан ўрганилган бу ифлос одатдан мусулмонларнинг қутулиши учун нозил бўлган Қуръон ояти умматга етказилиши биланоқ, бутун мусулмонлар бир-бирини хабардор қилиб, ўз қўллари билан ҳозирлаган қанча ичкиликлари бўлса, эшикларидан ташқарига отиб, шишаларини синдирганлар. Бу амрни бажаришга уларни ҳеч ким мажбур қилмаган. Фақат ичларидаги иймон ва севгилари етарли бўлган. Ичкиликни шундай тўқишларигина эмас, ўз моллари, жонларини фидо қилишдан ҳам қочмаганлари ҳаммиша кўз олдимиздадир. Ислонга бўлган севгилари сабабидан туғилиб ўсган мамлакатларини ташлаб, ҳижрат қилиш осон дейсизми? Сўнг Бадр, Уҳуд ва бошқа жиҳодларда Аллоҳнинг душманлари билан қандай урушганлари ҳаммамизга маълум. Мана шу мусулмон ошиқлар, шаробнинг таъқиқланганини эшитгач, ҳеч тараддуд этмай ҳамма шишаларини синдириб, ҳимматларининг юксаклигини аҳли дунёга исбот этганлар. Аллоҳ улардан рози бўлсин.

## **ИЧКИЛИК - ЁМОНЛИКЛАР ОНАСИ**

Бу ҳадиси шарифнинг маъноси: «Шароб ичишдан сақланинг, чунки у барча ёмонликларнинг калити, манбаидир».

Мен бу ўринда ҳадис китобларида битилган ичкилик ҳақидаги ҳадислардан баъзиларини нақл этишни муносиб кўрдим. Чунончи, «Тарғиб ват-Тарҳиб» номли ҳадис китобида ичкилик ҳақида 57 та ҳадиси шариф нақл этилган. Баъзиларини дарж этиб ўтамыз:

*1-ҳадис:* Бухорий, Муслим, Довуд, Термизий ва Насойлар асарларида келтирилган. Яъни:

«1. Зоний (зинокор) зино қилмас, мўминлик ҳолида.

2. Ўғри ўғирлик қилмас, мўмин бўлган ҳолда.

3. Ичувчи шароб ичмас, мўмин бўлган ҳолда».

Яъни, мўмин бўда туриб инсон на зино қила олади, на ўғирлик ва на шароб ича олади. Агар бир мўмин булардан бирини қилса, ундан ислон аломати кетади. Ҳатто гуноҳлар китобида ёзилганки: Бир одамнинг шароб сотган одамда қарзи бўлса, қарздор қарзини шароб пулидан берса, қарзини тўлаган ҳисобланмайди. Зеро, шароб пули уники эмас - мусулмонга шароб

сотиш ҳаромдир...

*11-ҳадиси шарифда:* «Ҳар ким зино ёки шароб ичса Аллоҳ ундан иймонини олади». Ҳадисдаги «назъ» сўзи «тортиб олмоқ», масалан, қудуқдан сув чиқармоқ маъносини беради. Инсон кўйлагини бошидан ечгандек иймон ҳам ундан шундай чиқарилади. Бинобарин, Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирган кимса ичкилик ичмасин ва киши Аллоҳ ва охиратга ишонар экан, ичкилик ичиладиган дастурхонга ўтирмасин.

*13-ҳадисда:* «Кайф берувчи ҳар қандай нарса шаробдир ва кайф берувчи ҳар нарса ҳаромдир. Кимки дунёда шароб ичиб, бунга ўрганиб, одатланиб ўлса, охират шаробларидан ичмайди (яъни жаннатга кирмайди)». Уч кимса жаннатга кирмайди: шароб ичишга одатланган, қариндошлари билан аразлашиб, зиёрат қилмайдиганлар ва сеҳрни тасдиқ эттанлар.

*16-ҳадисда:* «Шароб ичган, фоиз еган, пулини фоизга қарз берган, етим молини ҳақсиз еган, ота-онага осий бўлганларнинг жаннатга кирмасликлари Аллоҳнинг ҳақидир, яъни жаннатга киргизмайди ва неъматларидан едирмайди», дейилади.

*18 ва 19-ҳадисларда* эса шароб ичиб ўлган одам бутга сиғинган кимса каби Аллоҳга юзланади, дейилган.

*22-ҳадиси шарифда:* «Уч кимсага Аллоҳ таборак ва таоло жаннатни ҳаром қилган. Булар: ичкиликка одатланганлар, ота-онага осий бўлганлар ва даюслар, яъни оиласининг ифбатсизлигини иқрор қилиб, у билан яшаган бадбахтдир», дейилган.

*23-ҳадисда:* «Жаннатнинг ҳиди 500 йиллик масофадан келиб турса-да, берганини миннат қилган, ота-онага осий бўлган, ичкиликка ружу қўйган одамлар ундан баҳраманд бўлмайдилар», дейилади.

*24-ҳадис:* «Уч кимса борки, абадий жаннатга кира олмайди: Даюслар, ўзларини эркакларга ўхшатган аёллар ва ичкиликка ўрганганлар».

*26-ҳадис:* «Шароб гуноҳларнинг қадаҳидир, аёллар шайтон тузоғидир, домидир, шайтон одамни у билан алдаб, залолатга туширади. Дунё севгиси эса бутун хатоларнинг бошидир».

*27-ҳадис:* Абу Дардо(р.а)дан: «Дўстим Расулulloҳ(с.а.в) васият қилди: «Сени парчаласалар, ёқсалар ҳам Аллоҳга ҳеч нарсани шерик қилма, фарз намозлардан ҳеч бирини қасддан тарк этма, кимки қасддан тарк этса, дину мазҳабдан чиқади. Шароб ҳам ичма, чунки у бутун шаррларнинг мифтоҳидир (ёмонликларнинг очқичидир)».

Яъни, бор ёмонликларни бир хонага қамасалар унинг боши ичкиликдир. Ичкилик ичдингми, эшик очилади, ёмонликлар майдонга чиқади, ичувчи бу ёмонликларнинг ҳаммасини қилаверади.

Яна бир ҳикояни зикр этаман: кунлардан бир кун бир зот ибодат учун одамлардан холи бир жойга чекилибди. У ерда ибодат билан машғул экан, буни кўрган бир аёл унга ошиқ бўлибди. Хизматкорини юбориб: «Бир гувоҳлик масаласи туфайли сизни бизнинг хоним уйига чақиряпти», деб одамни алдаб уйига олиб келибди. Хоналари кўп экан, Ҳар хонадан бошқасига ўтганда эшиклар қулфланибди ва ниҳоят, ғоят гўзал бир аёл ўтирган хонага кириб қараса, бир ёш гўдак билан катта бир идишда ичкилик турганмиш. Аёл обидга: «Сени гувоҳлик учун чақирдим, мақсадим ё бу болани ўлдирасан, ё мен билан жинсий муомала қиласан ва ё шу шаробни ичасан. Бош тортадиган бўлсанг, доду фарёд қилиб сени разилу расво қиламан», дебди. Бечора обид қараса қутулишнинг ҳеч чораси йўқ, шароб ичишга қарор қилибди. Бир пастда туппа-тузук одам маст бўлиб зино ҳам қилибди, гўдакни ҳам ўлдирибди. Азизлар, шароб ичишдан сақланинг.

Аллоҳ жалла ва ала бизларга ақл, фикр, ҳидоят насиб этсин, ёмон, ифлос оқибатлардан муҳофаза этсин. Омин.

## **ЖАННАТ НЕЪМАТЛАРИДАН МАҲРУМ ТЎРТ КИШИ**

Ҳокимнинг исноди саҳиҳ (манбаи ишончли) бир ҳадиси шарифини эслаб ўтайлик. Зеро,

бунда фаросатли одам учун кўп ибрат ва сабоқ бор. Абу Ҳурайра Расулulloҳ(с.а.в)дан нақл қиладиларки: тўрт кишининг жаннатга киргизмаслиги ва уларга жаннат неъматларини едирмаслиги Аллоҳнинг ҳақидир: 1 - шаробга ружу қўйганлар, 2 - фоиз еганлар, 3 - етим молини ноҳақ еганлар, 4 - ота-онага осий бўлганлар.

### **ШАРОБ ИЧИШГА ОДАТЛАНГАНЛАР**

Бир пайтлар бир бой ҳашаматли бир жомеъ қурдирибди. Афсуски, ўзи ичкиликка ўрганган экан. Ўша даврнинг таниқли уламоларидан бири жомеънинг очилиш маросимида бинонинг ичига шароб тўлдирилган катта бир кўза қўйдирибди. Одамлар жомеъга кириб, эшик тагида бу идишни кўриб, ажабланишиб, бунинг нималигини сўрашибди. У ҳазрат: «Шароб идиши», дебди. Жомеъни қурдирган зот жаҳл билан: «Жомеъга ичкилик қўйиб бўладими?» - деса, ҳазрат жавобан; «Дўстим, бу жомеъи шариф сиз каби бандаларнинг қурдирган биносидир. Аллоҳ яратган вужудга - маърифати илоҳия ва асрори ғайбиялар билан тўла кўнгилларга ичкилик қуйилса ҳеч нарса бўлмайди-ю, инсон қурган бинога қўйилса нима қилибди?» - дебди. Жомеъ қурдирган зот сўраганидан пушаймон бўлиб, бошқа ичмаслик шарти билан тавба қилибди.

Ичкилик каби 125 хил катта гуноҳлар, умуман 400 дан ортиқ катта-кичик гуноҳлар мавжуд дейдилар. Буларнинг ҳаммаси инсонийлик жавҳари бўлган кўнгилни қорайтирувчи ва ортиқ яхшилик билан ёмонликни фарқлай олмас даражада одамийликдан чиқарувчи, ҳатто ҳайвондан пастроққа туширувчи фалокат манбаидир. Жаноби Ҳақ ҳидоят ва эҳсон қилиб, бу ёмон одатлардан бизни қутқарсин ва муҳофаза қилсин. Нафс ва шайтонга масхара бўлиб, натижада куфр ва залолатга тушиб, охиратга иймонсиз кетишдан, азоб уйи - жаҳаннамга тушишдан, раҳмат уйи - жаннат ва неъматларидан маҳрум қолишдан асрасин. Омин.

### **ИЧКИЛИК ЖАННАТ ҲИДИГА МОНЕЪДИР**

Жаннатнинг мушк каби хиди 500 йиллик йўлдан келиб туради. Амали билан мақтанган, ота-онасига осий бўлган ва ичкиликка одатланганлар, афсуски, бу гўзал жаннатнинг ҳатто ҳидини ҳам ҳиддай олмайдилар. Яъни, асло жаннатга кира олмайдилар. Зеро, жаннат тозадир. Ичи иймон, ташқариси солиҳ амаллар билан безатилган мўмин ва муваҳҳидларнинг жойидир. Умрини гуноҳ, исён билан ўтказган бадбахтлар жойи эмас. Яна бир ҳадисда Пайғамбаримиз(с.а.в) шундай марҳамат қиладилар:

«Аллоҳ таоло ва тақаддас ҳазратлари мени одамларга раҳмат қилиб юборди. Аллоҳ мазомир ва маозиф дейиладиган чолғу асбобларини йўқотиш, жоҳилият одат ва анъаналарини, бутга сиғинишни йўқотиш ва манъ қилиш учун мени юборди...»

Раббимизнинг иззати ва жалоли учун қасам ичиб айтдиларки: «Бандаларимдан ҳар қайсиси ичкилик ичса, мутлақо, қиёмат кунида жаннат унга ҳаром бўлади. Кимки дунёда шароб ичмаса ва уни тарк этса, унга Ҳазиратул қудс дейиладиган жаннат боғчаларида истаганича шароб ичирилади». Лекин шуни билиш керакки, жаннат шароблари бу дунё шаробларидек одамни ақлдан чиқариб, маст қилмайди, балки ҳар он завқини, нашъасини, сурурини орттириб, ҳеч бир тарзда зарари кузатилмайди. Ҳолбуки, дунё ичкиликларининг энг ози ҳам инсонни маст қилади.

### **ҚИЁМАТ КУНИ ЮЗИГА НАЗАР СОЛИНМАЙДИГАНЛАР**

Бу ҳадисда жаноби Ҳақ қиёмат кунида уч тоифанинг юзига раҳмат назари билан қаралмаслигини марҳамат қилади. Булардан бири: берганини миннат қилган одобсизлар, иккинчиси: ғурур ва кибрдан почта ва этаклари ерга судралган кийим кийганлар, учинчиси:

ичкилик ичишга одатланган шуурсиз бечоралар. Ҳақ берган гўзал ҳаётни жирканч ҳолга келтирган кишилар.

Ҳаммамизга жуда яхши маълумки, ачиган, ҳидланган овқатларни ўзимиз ҳам ёмаймиз, бошқаларга ҳам бермаймиз. Чунки нафсимиз ундан хушланмайди. Қорнимиз қанчалик оч бўлса ҳам ёмаймиз. Чунки ошқозонимиз бузилади, касал бўламиз. Еган овқатимиз кейин бизга қимматга тушади. Узум суви дейиладиган заққум ойлаб, йиллаб идишларда сақланади, ачийди, бижғийди кўпиради, захару заққум бўлади. Баъзи бировлар эса унга ошиқу беқарор, пули бўлмаса ҳам шу заққумни ичиш учун ўзини ҳар ерга уради. Ортиқ юзида ҳаё қолмайди.

Бошқа бир ҳадисда Жаброил алайҳиссалом баён этгани бўйича, «Шароб ичишга даъват этганлар бутпарастлар кабидир», деб буюрилади. Бутга сиғинмаса ҳам, ҳоли мушриклар, бутпарастларга ўхшаш ҳолда зикр этилганки, ширкдан қай даражада қочиш керак бўлса, ичкиликнинг ҳар навидан ҳам шундай қочиш кераклиги билдирилган.

Худди шундай бошқа бир ҳадиси шарифда ичкиликнинг номини ўзгартириб, «Бу шароб эмас» деб ичмоқ, фоизни ҳеч менсимай, «Бу савдо-сотикдир, бугун бусиз тижорат қилиб бўлмайди» деб, қўрқмасдан судхўрлик билан муомала қилмоқ ва закот бермай тижорат қилмоқ (яъни закотни фуқарога бермай, тижоратда қўлламоқ), бу ифлосликлар инсоннинг ҳам ўзини, ҳам қавмию миллатини ҳалок қилади.

Бу дунё йўқотишларининг ҳеч қиймати йўқ, зеро ҳаёт муваққатдир. Вафот этган одам бу дунёнинг фалокатларидан бир оз аввал қутулади. Охиратдага фалокат эса бунга ҳеч ўхшамайди. Ўлимсиз абадий азоб ва исканжа... Асл фалокат шу.

## **ЖАННАТГА КИРИШИ ТАҚИҚЛАНГАНЛАР**

«Жаноби Ҳақ шу уч кимсага жаннатни ҳаром қилгандир:

1. Ичкиликка ружу қўйганлар.
2. Ота-онага осий бўлганлар.
3. Хотини хиёнат қилганини билгани ҳолда, у билан яшаган эркаклар».

Бу бечоралар дунёда яшаган муддатларида ҳаётларидан ҳеч қандай фойда кўрмайдилар. Бесамар ҳаёт кечирадилар. Умрлари ғавфо, жанжал, хасталик, дард, балоларда кечади, аксари болалари ва ҳатто етти пуштига таъсир қиладиган дардларга мубтало бўладилар, хушдан кетиш, асаб хасталиклари, шуур қусурлиги ва бошқа бир қанча билинмаган балоларга гирифтор бўладилар. Сўнгра: «Бу бола нега бундай туғилди?» деб табибма-табиб югурадилар.

Юқоридаги ҳадисда ғайритабиий ҳодисалар, зилзилалар, табиатдаги ўзгаришлар, ўз-ўзини ўлдиришларнинг қачон рўй бериши ҳақида сўралганда: Ҳавойи нафсига тобе бўлиб, қонуни илоҳийу Қуръон ҳукмларига амал қилмаслик, аёлларнинг от ва машиналарда кайфу маишат қилишлари, мастлик, завқ оламларида кайфу сафо қилиш учун ашулачи аёлларнинг кўплиги, нафратга лойиқ ёлғон гувоҳлик, уялмай, сиқилмай улар қўлидан ичкилик ичмоқ, лутийлик муомаласининг эркаклар ва аёллар орасидаги зуҳури, намозхонлар табақасининг ҳеч тортинмасдан аҳли ширкнинг олтин ва кумуш идишларидан ичишлари - ғайри табиий фалокатларнинг бош сабабчиларидан эканлигини ҳазрати Пайғамбаримиз таъкидлаб ўтганлар.

## **ОХИРАТДА ПЕШОНАСИДА МУҲР БИЛАН ТИРИЛАДИГАНЛАР**

«Ичкиликка мубтало одам икки кўзи орасида: «Аллоҳнинг мағфиратидан маҳрум» дейилган ёзув билан қабрдан туради. Судхўр ҳам икки кўзи орасида: «Аллоҳ ҳузурида ҳужжати йўқ» деган ёзув билан тирилади. Халқ зарарига, лекин ўзининг фойдасига мол тўпловчи, чайқовчилар ҳам: «Эй кофир, жаҳаннамга ҳозирлан» деб ёзилган ҳолда тирилади».

Энди бу ҳадисни ҳам талкин қилиб кўрайлик. Аввало шуни билиш керакки, яҳудий ёки насроний китобларида ҳам охират, жаннат ва жаҳаннам ҳақида ёзилган. Ўлимдан сўнг

амалларимизнинг ҳисобини берамиз, жазо ва мукофотга ноил бўламиз. Қиёмат куни келади. У кун ҳар бир пайғамбар уммати билан бирга у ерда тайёр бўладилар. Хисобдан сўнг ҳамма ўз жойини топади; ё Жаннат, ё Жаҳаннам. Буни дунёвий ақл билан тасаввур қилишга уриниш беҳуда. Бу хусусда кичик бир мисол келтирайлик: Ипак бир қуртдан олинади. У қурт зулук ва чувалчангга ўхшайди. Ранги оқ. Фақат тут япроғи билан озиқланади. Уйқудан сўнг катталашиб, пилла ўрай бошлайди. Ўзи шу пилланинг ичида қолади. Ўн беш кундан сўнг пиллани тешиб чиқади. Энди қарасангиз шундай гўзал капалак. Ваҳоланки, пилла ўраркан, узунгина қурт эди. На қаноти, на шохлари, на кўзлари бор эди. Бу узун ҳашорат 15 кунда кўзли, қошли, нафис шохлари бор, ипақдек қанотли, еб-ичмас, учар бир қуш ҳолига келади. Одам ҳам ўлган тақдирда руҳи қабрдан пилла қуртидек бир қуш бўлиб, охират оламига кўчади. Капалаклар пилладан чиққанлари каби қобиқлари - жасадларини ташлайди, яхши одамларнинг руҳи охират оламининг беҳисоб неъматлари ичида шаҳидлар, валийлардек еб-ичиб, ҳаёти маънавий билан яшайдилар. Бунга иймон ва исломий ҳаёт билан эришиш мумкин. Жасади қабрда экан, маънавий ҳаёти давом этади. То қиёматга қадар у ер аҳли иймон учун жаннат боғчаси, аҳли куфр учун эса жаҳаннам чуқури бўлади. У ерда тонг ва оқшом пайти лойиқ кўрилган Жаннат ёки Жаҳаннам кўрсатилади. «Сенинг жойинг шу», - дейдилар. Аҳли иймон севинч ва сурур, аҳли куфр азоб ва надоматда қоладилар. Жаноби Ҳақ бизни аҳли иймон тоифасидан айлаб, Ўзи севган ва Ўзи рози бўлган бандаларидан айласин. Омин.

Қабрдан қиёматга кечиш асносида шароб ичганларнинг пешонасига «Айбан мин раҳматиллох» (Аллоҳ раҳматидан бенашиблар) лавҳаси ёзилади. Ҳамма кўриб, биладиган бир бадбахт ҳолига келади. Нақадар ачинарли бир оқибат! Ҳақ субҳанаҳу ва таоло ҳаммамизни бундай шум оқибатдан асрасин. Омин, бихўрмати саййидил мурсалин, валҳамду лиллаҳи Раббил оламин.

## ИЛОВА

Ойиша онамиз, Аллоҳ ундан рози бўлсин, ривоят қилди: Пайғамбар(с.а.в.) айтдилар: "Ким ароқ ичувчини бир луқма билан таомлантирган бўлса, Аллоҳ таоло унинг жасадига чаён ва илонни эга қилиб қўяди. Ким унинг ҳожатини чиқарган бўлса, Исломни бузишига ёрдам берган бўлади. Ким унга қарз берган бўлса, мўминни ўлдиришига ёрдам берган бўлади, ким у билан ўтиришган бўлса, Аллоҳ таоло қиёмат кунида уни кўр қилиб, хуши йўқ ҳолатда тирилтиради, кимки ароқ ичса, уни уйлантирманглар. Агар касал бўлса, бориб кўрманглар, агар шохиддик берса, шохидлигини қабул қилманглар. Мени ҳақ пайғамбар қилиб юборган Зотга қасамки, ароқ ичган киши Тавротда, Инжилда, Забурда, Фурқонда(Қуръонда) лаънатлангандир. Ким ароқ ичса, Аллоҳнинг пайғамбарларига туширган китобларини инкор қилибди. Ким ҳалол санаса, кофир бўлибди, ким хамрни ҳалол санаса, дунё ва охиратда мен ундан безорман".

Ато ибн Ёсир айтади: Бир киши Каъбул Ахбордан сўради: "Ароқ Тавротда ҳаром қилинганми?". "Ҳа", деди, кейин бу оятни ўқиди: "Эй мўминлар, ароқ қимор, бутлар ва чўплар (яъни чўплар билан фолбинлик қилиш) шайтон амалидан бўлган харом ишдир" (Моида, 90). Тавротда ёзилган: "Биз ботилни йўқ қилиш учун ҳақни нозил қилдик ва у билан бекорчи ўйинни, ноғорани, сурнайни ботил қилдик ва ароқни ҳам, ароқ ичувчига вайл азоби бўлсин. Аллоҳ улуғлигига ва иззатига қасам ичдики, бу дунёда ундан тўхтамас, у қиёмат кунида чанқоқ бўлади. Мен уни харом қилганимдан кейин тарк қилса, Мен уни Ҳозират ул-қудусда суғораман".

Сўралди: "Ҳозират ул-қудус нима?". Айтди: "Қудус -Аллоҳ, ҳозира эса жаннатдир".

Факих Абу Лайс Самарқандий айтди: Ароқ ичишдан сақлангин, чунки унда ўнта ёмонланган хислат бор:

1. Агар уни ичса, мажнунга айланади. Болаларга кулги бўлиб, эрмакка айланади. Ақллилар олдида ёмон отликдир.

Абу Дунё айтганидек: Боғдод кўчаларидан бирида бир мастнинг бавл қилаётганини кўрдим. У сийдигини юзига артиб: "Эй Парвардигор, мени тавба қилгувчилардан, покдомонлардан қилгин", деб айтарди.

Бир кўчада маст киши ётган эди, ит келиб унинг оғзини ва соқолини ялади. У итга: "Эй дўстим, эй дўстим, Аллоҳ сенга баракот берсин", деди. Кейин ҳалиги ит оёғини кўтариб, унинг юзига бавл қилди. Ҳалиги маст, иссиқ сув учун Аллоҳ сенга баракот берсин, деб айтар эди...

2. У молни йўқ қилгувчи, ақлни кетказувчи. Умар, Аллоҳ ундан рози бўлсин, айтганидек: "Эй Аллоҳнинг элчиси, ароқ борасида бизга фикрингизни беринг". Айтдилар: "Албатта, у молни йўқотгувчи, ақлни кетказувчидир".

3. Уни ичишлик одамлар, дўстлар, оғайнилар орасида адоватга сабаб бўлади. Аллоҳ таоло айтганидек: "Ичишлик, қимор сабабли шайтон ўрталарингизга буғзу адоват солишни хоҳлайди" (Моида, 91).

4. Албатта, уни ичишлик Аллоҳнинг зикридан ва намоздан манъ қилади. Аллоҳ айтганидек: "Шайтон сизларни Аллоҳнинг зикридан ва намоз ўқишдан тўсишни истайди, холос. Энди тўхтарсизлар?!" (Моида, 91.). Яъни, ундан тўхтанглар. Бу оят тушган вақтда Умар ибн Хаттоб: "Албатта, тўхтаймиз, эй Раббим", деган эди.

5. Уни ичмоқлик зинога олиб боради. Чунки ичган вақтида хотинини талоқ қилади, ўзи сезмай қолади.

6. Ароқ ҳамма ёмонликлар калитидир. Агар уни ичса, унга ҳамма гуноҳлар енгил бўлиб қолади.

7. У фосиқлик мажлисига кириш билан ўзида сассиқ ҳид борлиги учун малоикаларга азият бериб қўядики, озор бермаганга озор беришлик жоиз эмас.

8. Уни ичган кишини саксон дарра уришлик вожиб бўлади. Агар дунёда урилмаса, қиёмат кунида ўтдан бўлган қамчи билан бошига урилади. Ураётган вақтда отаси ва дўстлари қараб туради.

9. Ароқ ичишлик билан ўзи учун осмон эшигини ёпиб қўяди, чунки қирқ кунгача яхши амаллари ва қилган дуолари қабул бўлмайди.

10. Ароқ ичувчи хавотирга тушувчидир, чунки у ўлаётган вақтида иймонсиз ҳолда чиқишидан кўрқилади. Бу азоблар дунёдадир, охират азобларига етмасдан олдиндир.

Аммо охират азобларини санаб бўлмайди, ундаги йиринг, заққум, савобларининг йўқ бўлиши ва бошқалар. Оқил кишининг озгина лаззатни тарк этиб, катта лаззатни ихтиёр қилиши лозим бўлади.

**"Танбеҳул-ғофилийн" I-китоб, XV бобидан олинди.  
Тошкент "Мовароуннаҳр", 2000 й.**

### **ИЧКИЛИКБОЗЛИК ҲАҚИДА...<sup>3</sup>**

Ичкилик болаларнинг касалманд ва нимжон бўлиб ўсишларига сабаб бўлади.

*(Гиппократ)*

Маст бўлиш ўз ихтиёри билан ақлдан озишдир.

*(Арасту)*

Ҳар қандай хужум ва жиноятлар ҳам халқни ва халқ бойликларини ичкиликдек қийратмайди.

*(Ф. Бекон)*

<sup>3</sup> қаранг: «Донолар ичкиликбозлик ҳақида». Кўрсатилган манба, 14-18-бетлар.

Ичкиликбозлик - барча иллатлар асосидир.

*(Абул Фараж)*

Ичкиликбоз одам на ақлий жихатдан, на ахлоқий жихатдан оддинга қараб юрмайди.

*(Л. Н. Толстой)*

Мастлик - ақлдан озиш машқидир.

*(Пифагор)*

Маст одам соғлиқ пайтида етти ухлаб тушига кирмаган ёмон ишларни қилишга қодир.

*(Ж. Лондон)*

Бадмастга дамодам ичмоғидин не бахр,  
Ки одамийлик қатлиға ичар қадах-қадах захр.

*(Алишер Навоий)*

Майхўр хаёт қадрини билганда эди, майни дўстларига эмас, душманларига ичирган бўларди.

*(Абул Аъло ал Мааррий)*

Шароб захарларнинг биридир.

*(Абу Али ибн Сино)*

Асрлар оша бир неча бор унга (ароқ, винога) ўлим ҳукми чиқарилган бўлса ҳам, озодликда юрибди. У одамзотга не-не бахтсизликлар келтирди.

*(И. А. Сикорский)*

Эр қанча кўп ичса, хотини ва болалари шунча кўп кўз ёш тўқади.

*(А. А. Семашко)*

Менку ахволингга кўз солиб дил хун  
Ичма, захри мор деб, қўлингни тўсдим.  
Кайф устида бўлган авлодинг бир кун,  
Сени лаънатларга кўммасин, дўстим.

*(Жамол Камол)*

Ичкилик иллат, келтирар кулфат.

*(Ўзбек мақоли)*

Ичкилик мастлик келтиради.

*(Тожик мақоли)*

Уч нарсага хавас қўйма: ичкиликка, аёлларга, бойликка.

*(Хитой мақоли)*

Ичкилик келган жойдан уят қочади.

*(Испан мақоли)*

Жинни мастга йўл беради.



*(Инглиз мақоли)*

«Саломатлик учун» деб кўп ичганлар қабристонга вақтли келадилар.

*(Немис мақоли)*

Ичкилик кучлини кучсиз, олимни ақлсиз қилади.

*(Франсуз мақоли)*

Мастдан қутурган ит ҳам қочади.

*(Мўғул мақоли)*

Ароқ билан саломлашган ақл билан хайрлашади.

*(Гуржи мақоли)*

Эшак - ортидан, эчки - олдидан, маст эса ҳар томонлама хатарли.

*(Арман мақоли)*

Ичкиликбозлик кўпайган жойда касал ҳам кўп бўлади.

*(Яҳудий мақоли)*

Ароқ ичиш ва кўп ухлаш - камбағалликка олиб келади.

*(Япон мақоли)*

Шамол чўғни, ароқ нафратни аланга олдиради.

*(Фин мақоли)*

Ичкилик оқибатида ақл сўнг инсон ўлади.

*(Тамил мақоли)*

Француз врачлари Деммэ 28 йил давомида ўнта оилани кузатган. Бу оилаларда эр ҳам, хотин ҳам ичкиликка берилган. Бу оилаларда 57 та бола туғилган, улардан 25 таси ёшига етмай ўлган, 5 тасида тутқаноқ, 5 тасининг бош миясида сув, 12 таси жинни бўлган. Фақат 10 та бола нормал туғилган.

Америкада 1920 йил (ичкилик ичиш ман қилинган йили) мингта аҳолидан 13 киши алкаголдан ҳалок бўлса, 1925 йилда ичкилик тарқалиши биланоқ мингта одамдан 86 таси мастликдан ўлган.

70 фоизга яқин қотиллик, 80-90 фоиз безорилик асосан мастлик оқибатида рўй беради. Агар спиртли ичимликлар истеъмол қилиш 35 фоизга камайтирилса, қотиллик 40 фоизга, безорилик эса 25 фоизга камайган бўларди.